



**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

«Хазорасп пахта тозалаш» АЖ  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2016 йил 24 июндаги қарори билан

**«ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ  
ВАҚТИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар
- II. Ушбу низом доирасига кировчи шахслар
- III. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари
- IV. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари (шартлари)
- V. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш
- VI. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш
- VII. Яқуний қоидалар

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Жамият деб аталади) Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга оширишда Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган кредиторлар, контрагентлар, бошқа ташкилотлар ва шахслар (кейинги ўринларда – контрагентлар деб аталади)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Мижознинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар оқибатидаги зиддиятлар туфайли манфаатлар тўқнашувлари юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар тўқнашуви (корпоратив низо) келиб чиқиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар (йирик акция пакетларига эга бўлган акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (оз миқдордаги акцияларга эга бўлган акциядорлар) ўртасида;

Жамият бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

Жамият бошқарув органлари ва назорат органлари, Жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва контрагентлар ўртасида;

Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида, уларнинг хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида.

## **II. УШБУ НИЗОМ ДОИРАСИГА КИРУВЧИ ШАХСЛАР**

4. Ушбу Низом Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига, акциядорларга ҳамда эгаллаган лавозимидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга тааллуқли вазифалар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида тасдиқланган ҳолатларда ёхуд бевосита қонунга мувофиқ татбиқ қилинади.

### **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

6. Жамиятда манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ҳақиқий ва потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбурийлиги;
- ҳар бир манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланганда Жамият нуфузига путур етказиш хавфларини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳамда уларни ҳал қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви ва унинг ҳал қилиниши тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилиниш жараёнининг қатъий махфийлиги;
- манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг ходимлари манфаатлари мувозанати (баланси)га риоя қилиш;
- ходим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва Жамият томонидан ҳал қилинган (бартараф қилинган) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш туфайли шахсни таъқиб қилинишдан ҳимоялаш.

### **IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)**

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;
- миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмасликлари;
- ваколатли бошқарув органларининг олдиндан келишувисиз йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ахборот ошкор қилинмаганлиги ёхуд Жамиятнинг бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлардаги бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари тўғрисида, бошқа Жамиятлар ҳиссалари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим қилинмаганлиги.

8. Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва контрагентлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;
- Жамият акциядорлари манфаатларининг устуворлик тамойилига риоя қилмаслик;
- амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;
- контрагентлар томонидан ҳам, Жамият томонидан ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги;
- қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз вазифаларини бажармаганлик.

9. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талаблари бузилиши;
- амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;
- ҳам шахсий, ҳам оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятини юритиш;
- Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган бошқа Жамиятда молиявий манфаатлар мавжудлиги;
- бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар, мансабдор шахс сифатида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

Жамият манфаатларига зарар етказган ҳолда, шахсий манфаатларни кўзлаб бошқа ташкилотларга амалий имкониятларни тақдим қилиш.

## **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

10. Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатлари билан манфаатлар тўқнашувларини олдини олишнинг умумий механизмлари назарда тутилган.

Ушбу Низом билан манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш бўйича Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиш учун мажбурий чоралар белгиланади.

11. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларда Жамиятнинг даромадлигига барқарор эришишни таъминлаш;

- манфаатлар тўқнашувлари юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этмаслик ва қарорлар қабул қилмаслик;
- Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;
- Жамиятнинг ноқонуний фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни қонунийлаштириш (четгачиқариш) ва терроризмни маблағ билан таъминлашга жалб қилиниш имкониятини истисно қилиш;
- Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) максимал имконият даражасида самарадорликни таъминлаш;
- Қонун ҳужжатларида ва Жамият Уставида белгиланган тартибда ва муддатларда бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;
- Жамият Уставива ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
- Қонун ҳужжатларида ва Жамият Уставида белгиланган миқдордан юқори суммада йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни кўриб чиқиш учун Кузатув кенгаши муҳокамасига тақдим этиш;
- Йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш шартларини назорат органлари билан ўрганишни амалга ошириш;
- Зарур ҳолларда, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан маъқулланганда, мулкнинг бозор қийматини белгилаш учун мустақил баҳолаш ташкилотини жалб қилиш;
- Аффилиланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинишини таъминлаш;
- қуйидагилар:
  - а) аффилиланган шахслар;
  - б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тартиби ишлаб чиқилишини ва унга риоя қилинишини таъминлаш;
- Жамиятнинг ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда олдиндан маъқулланмасдан йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузмаслик;
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ва қўшимча маълумотларнинг Жамиятнинг Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомига мувофиқ ошкор қилинишини амалга ошириш;

- Акциядорларга ва контрагентларга, бошқарув ва назорат органларига, бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим қилинадиган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

- Жамиятда мавжуд ахборотдан бундай ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- Оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият тўғрисидаги салбий ахборотнинг тўғрилигини ва холислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Ҳар бир салбий ёки асоссиз ахборот пайдо бўлиш ҳолати бўйича ўз вақтида эътибор қаратиш;

- Жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;

- Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган ҳақларнинг Жамиятнинг молиявий аҳволига, шунингдек Жамият фаолиятининг олдиндан режалаштирилган кўрсаткичларига асосан эришилган натижаларига мувофиқлигини таъминлаш;

Касбий ва корпоратив одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш.

12. Жамият акциядорлари ўртасида, шунингдек, бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда Жамият акциядори (акциядорлари) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари яна қуйидаги мажбуриятларга эга:

мажоритар ва миноритар акциядорларнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, меъёрий ҳужжатлар, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб кўйилган ҳуқуқларига риоя қилиш;

қонунчиликка мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган ахборотнинг акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

тўқнашув предмети бўлиши эҳтимоли мавжуд масалалар бўйича акциядорларга батафсил маълумот бериш;

рақобатчи Жамият акциялари (улушлари)ни сотиб олишда, шунингдек, уларнинг бошқарув органларида шундай шахсларнинг иштирок этишида, тузилишидан Жамият бошқарув органлари аъзоларининг манфаатлари бор бўлган битимларни аниқлаш;

қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг холислиги, пухта ўйланганлиги ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида Кузатув Кенгаши таркибига мустақил аъзолар кўрсатилишига интилиш.

13. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва контрагентлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари яна қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

Жамият ҳақидаги маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлаш;

махфий ва бошқа муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига катъий риоя этилишини таъминлаш;

маҳсулотлар (хизматлар)ни сотиш ва контрагентдан шартномада ўзаро келишилган ҳолда ўрнатилган миқдорда ёки у ҳақдаги ахборот тўлиқ ошкор этилган тарифлар бўйича ҳақ ундириш;

Жамият нуфузига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган контрагентлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

ўз контрагентларига маҳсулотлар (хизматлар)ни сотишда профессионал ва виждонан хизмат кўрсатиш;

контрагентнинг хатоси рўй-рост кўриниб турган ҳолда (шу жумладан, контрагент томонидан имзоланган буюртма, шартнома ва бошқа ҳужжатда айрим нуқсон аниқланганида) ходимлар бундан онгли равишда фойдаланишларини истисно этиш. Шундай хато мавжуд бўлган ҳолларда Жамият ходими бундай ҳужжат ижро этилишининг олдини олиш учун онгли равишда ҳаракат қилиши ва бу ҳақда контрагентга маълум қилиши шарт;

контрагентга берилган тавсиялар мазкур масала бўйича мавжуд ахборотни виждонан таҳлил қилишга асосланган бўлишини таъминлаш;

Жамиятда қоғоз, магнитли ва бошқа турдаги маълумот ташувчиларда сақланаётган, хизмат ёки тижорат сиридан иборат ахборот тоифасига киритилган маълумотлар Жамият бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахсларнинг розилигисиз сотиш, бериш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа тарзда тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланиб қолмаслиги учун Жамиятнинг фаолият кўрсатиши жараёнида яратилган, олинган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

14. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида улар томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилиши вақтида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар яна қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

ишбилармонлик мулоқоти меъёрлари ва профессионал ахлоқ тамойилларига риоя қилиш;

белгиланган тартибда шартномаларни тузиш;



юқори турувчи мансабдор шахс ёки бошқарув ва назорат органларини ўзининг Жамият билан рақобатдош ташкилотнинг улуши (акциялари)ни харид қилиш ниятидан хабардор этиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни манфаатлар тўқнашуви рўй беришига сабаб бўладиган вазият юзага келаётганидан ўз вақтида хабардор қилиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари салмоқли молиявий манфаатга эга бўлган ва у билан Жамият тижорат фаолиятини олиб бораётган ёки олиб боришни режалаштираётган ташкилотлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари салмоқли молиявий манфаатга эга бўлган ёхуд улар аффилиланган шахслари ҳисобланадиган ташкилотлар билан Жамият ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатувчи ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;

манфаатлари Жамият манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун олдиндан Жамият юқори турувчи органларининг рухсатини олиш;

ўзининг бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш нияти ҳамда кўзда тутилаётган иш Жамият манфаатларига зид эмаслиги ҳақида юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор этиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ҲАЛ ЭТИШ**

15. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал этиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосланган ва шу билан бирга Жамият манфаатларига хизмат қиладиган ечимни излаш мақсадида судга қадар бўлган тартиб-таомилларни амалга оширадилар.

16. Мансабдор шахслар бошқарув ва назорат органлари номига, Жамиятнинг корпоратив котиби вазифаси зиммасига юклатилган Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси ва тузилмавий бўлинмаларга акциядорлар ва контрагентлардан келиб тушадиган хат, ариза ва талабларнинг (шу жумладан, оғзаки талабларнинг) рўйхатга олиниши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаши шарт.

17. Корпоратив тўқнашувларни ҳисобга олиш Жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси зиммасига юклатилади. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси корпоратив тўқнашувга олдиндан баҳо беради, масаланинг моҳияти бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва Жамият Кузатув Кенгаши билан келишилган ҳолда уларни ушбу корпоратив тўқнашувни кўриб чиқиш ваколат доирасига киритилган Жамият органига топширади.

18. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси мунтазам равишда юзага келадиган тўқнашувларни таҳлил қилади, тўқнашувнинг

барча иштирокчиларига кўшимча ахборот тақдим этилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки Жамиятнинг ваколатли органи раҳбарига шу турдаги тўқнашувлар юз беришига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида ички тартиблар ва йўриқномаларни ўзгартириш, бошқа тадбирларни амалга ошириш бўйича тақлиф киритади.

19. Контрагент ёки бошқа манбалардан зиддиятли вазият тўғрисида ахборот олган ходим бу ҳақда юқори мансабдор шахсни зудлик билан хабардор этиши шарт. Тўқнашувни тузилмавий бўлинма даражасида ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, бўлинма раҳбари бир иш куни давомида тўқнашув, унинг вужудга келиш сабаблари ва кўрилган чоралар ҳақида ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосарига ахборот тақдим этиши шарт. Ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари тўқнашувни ҳал этиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолларда манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш учун комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ижроия органи раҳбари масалани Бошқарув муҳокамасига киритади, тўқнашув ҳақидаги маълумотларни Кузатув Кенгаши раисига юборади.

21. Ушбу ахборот тўқнашув вазиятларини аниқлаш ва ҳал этиш учун Кузатув Кенгаши қошида ташкил қилинган қўмита (ишчи гуруҳи) томонидан кўриб чиқилади.

22. Ўз ривожланишининг бирор-бир босқичида Жамият ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига дахл қилувчи ёки дахл қилиши мумкин бўлган тўқнашув ҳақидаги маълумотлар уч иш куни ичида Кузатув Кенгашига тўқнашувни ҳал этиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун топширилади ва шундан кейин қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилиб, мазкур масала юзасидан Кузатув Кенгашига хулоса тақдим этилади.

23. Агар тўқнашувни кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни ишлаб чиқиш ва киритиш зарурати туғилса, Кузатув Кенгаши ёки ижроия органи ҳужжат ишлаб чиқиш ёхуд тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қарор қабул қилади.

24. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

юзага келаётган манфаатлар тўқнашувини имкон қадар тез аниқлаш, уларнинг сабабларини топиш;

Жамиятнинг бошқарув органлари ваколати ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш;

Жамиятнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки, шундай зарурат туғилган ҳолларда, тўнашувни ҳал этиш бўйича комиссия ташкил этиш;

имкон қадар қисқа муддатларда Жамиятнинг тўқнашув моҳияти бўйича нуқтаи-назарини белгилаб олиш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни тўқнашувнинг иккинчи томони эътиборига ҳавола этиш;

Жамиятнинг тўқнашувдаги нуқтаи-назарини аниқ асослаб берувчи батафсил жавобни тўқнашувнинг иккинчи томонига йўллаш, тўқнашув иштирокчисининг илтимоси ёки талабини қондиришни рад этиш ҳақидаги хабарни эса қонунчиликка, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга, устав ва ички тартибга солувчи ҳужжатларга асосланган ҳолда изоҳлаш;

тўқнашувни ҳал этишда иштирок этган ваколатли шахс тўқнашув унинг манфаатлари ёки оила аъзоларининг манфаатларига дахл қилаётгани ёки дахл қилиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

тўқнашув манфаатларига дахл қилаётган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахслар ушбу тўқнашув ҳал этилишида ва қарор қабул қилинишида иштирок этмаслигини таъминлаш.

25. Акциядорлар ўртасидаги, Жамият бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги тўқнашувларни ҳал этиш учун:

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган тўқнашувни ҳал этишда воситачи бўлиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга уларнинг тасарруфидаги ҳамда тўқнашувга алоқадор маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонунчилик, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари меъёрларини изоҳлаб бериши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, тўқнашувни ҳал этиш юзасидан ҳужжатларнинг лойиҳаларини улар акциядорлар томонидан имзоланиши учун тайёрлайди, ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан акциядорлар олдида тўқнашувнинг ҳал этилишига кўмаклаша оладиган даражада мажбуриятлар қабул қилади;

Жамият бошқарув органлари ўз ваколатига мувофиқ корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш бўйича қарор бажарилишини ташкиллаштириши ва Жамият номидан тўқнашув иштирокчиси билан тузилган келишувларнинг бажарилишига кўмаклашиши лозим. Тўқнашув тарафи ва Жамият ўртасида уларнинг мажбуриятлари моҳияти бўйича низо мавжуд бўлмаган, бироқ уларнинг бажарилиш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлари бўйича зиддиятлар юз берган ҳолларда, Жамият тўқнашув тарафига юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш ва Жамият акциядорнинг талабини қондириши мумкин бўладиган шартларни баён қилишни таклиф этиши лозим;

агар Жамиятнинг акциядорнинг талабини қондиришга розилиги бу тарафнинг қонунчиликда, Жамият Уставида ёки бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган қандайдир ҳаракатларни амалга ошириши зарурияти билан боғлиқ бўлса, у ҳолда Жамиятнинг жавобида шундай шартлар батафсил кўрсатилади, шунингдек, уларнинг бажарилиши учун зарур маълумотлар хабар қилинади (масалан, акциядор томонидан сўралган ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш учун тўлов миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва ҳ.к.).

26. Ушбу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди. Ҳар бир алоҳида ҳолатда манфаатлар тўқнашуви вужудга келган сектордан келиб чиқиб, тўқнашувни ҳал қилишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

27. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар ушбу Низомнинг алоҳида меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу моддалар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.